ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 81.443.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ УМУМИЙ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЭТНОЛЕКСЕМАЛАР БЕРИЛИШИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Н.Р.Амонтурдиев

Мақолада ўзбек тили изоҳли луғатларида миллий маданиятимизга мансуб этнолексемаларнинг берилиши қиёсий таҳлил қилинган. Икки ва беш жилдли изоҳли луғатларга хос этнолексемалар, луғатда бош сўз сифатида сарлавҳага чиқарилган ва луғат мақоласидан кейин берилган этнографик бирикмалар таққосланган. Шунингдек, изоҳли луғатларда этнографизмларни беришдаги камчиликлар, янги беш жилдли изоҳли луғатда кузатилган ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *этнографик лексика,этнографик маъно, эвфемик этнографизмлар, миллий-маданий сема, этнографик бирикма.*

В статье проведен сравнительный анализ изложения этнолексем, относящихся к национальной культуре в толковых словарях узбекского языка.Сопоставлялись этнографические сочетания, выделенные в названияхв качестве основных слов в составе словарных статей; рассмотрены этнолексемы, характерные для двухтомного и пятитомного толковых словарей узбекского языка. А также, были обсуждены недостатки в представлении этнографии в толковых словарях, изменения, отмеченные в пятитомном толковом словаре, и новости.

Ключевые слова: *этнографический словарь,этнографическое значение, эвфемистическая этнография, национально-культурное семя, этнографическое сочетание.*

Ўзбек тили лексикографияси кейинги йилларда салмоқли ютуқларга эришди. Халқимиз турмиш тарзи, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларга алоқадор атамалар лингвистик тадқиқ қилиниб, соҳага доир кўплаб луғатлар яратилди. Ушбу луғатлар шу соҳа вакиллари учун илмий қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. Лексикография соҳасидаги ютуқлар ва амалий ишларнинг дебочаси ўлароқ икки ва беш жилдли ўзбек тилининг изоҳли луғатлари яратилди.

Табиийки, тилшуносликнинг ҳеч бир соҳаси бизга одамларнинг этномаданий турмуш тарзи, инсоният цивилизацияси ҳақида луғатчалик тўлиқ маълумот бера олмайди. Тил кишилик жамиятининг барча босқичларида халқ ҳаёти, маданияти билан узвий алоқадор бўлиб, этноснинг моддий, маданий, ахлоқий маданияти элементларини ўзида акс эттиради. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг илм-фан шаклланган деярли барча босқичларида луғат тузишга эътибор қаратилган, луғатлар тузилган. Ушбу луғатлар турли мақсадлар учун хизмат қилган.

Сўнгги юз йилликда ижтимоий, сиёсий муносабатларнинг ўзгариши, фан-техника тараққиёти, янги соҳаларнинг ривожланиши бошқа тилларда бўлгани каби ўзбек тили лексик қатламида ҳам катта ўзгариш ясади. Ўзбек тили жуда бой лексик қатламга эга бўлиб, таркиб жиҳатдан хилма-хилдир. Хусусан, миллий урф-одатлар, халқимизнинг қадимий яшаш тарзи, атрофдаги халқлар билан бўлган ижтимоий муносабатларини ўзида акс эттирувчи этнографик лексика лексиконимизда салмоқли ўрин эгаллайди.

«Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларга қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. ...Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий бирликларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларнинг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади» [1. Б. 5].

Маълум бир халқнинг ҳозирги тилидаги лексикаси ва унинг ютуқли жиҳатларини кўрсатиб беришда шу тилнинг умумий изоҳли луғати муҳим аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг сўнгида мана шу эҳтиёж, қолаверса, тилимиздаги лексик қатламни умумлаштириш, унинг лексик-семантик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш мақсадида икки жилдли изоҳли луғат яратилди.

«Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати XX аср ўзбек тилшунослигининг энг катта ютуғи саналади. Унда ўзбек тилининг лексик таркиби илк бора тартибга солинди, луғатларда қандай лексик қатламлар акс этиши меъёрлаштирилди, изоҳли луғат тузиш тамойиллари амалий жиҳатдан қарор топди, луғатчиликнинг турли соҳаларига оид ютуқлар умумлаштирилди» [2. Б. 19].

Икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»

(1981) лингвистик, лексикографик тамойиллар назарий асосланган дастлабки луғат бўлиб, унда халқимиз этномаданий лексик қатламига мансуб бир талай лексемаларни акс эттиришга ҳаракат қилинди. Аммо этнография, умуман, лексикографияга оид илмий тадқиқот ишларининг етарли эмаслиги, этнографизмларнинг лексик-семантик, тематик хусусиятлари илмий, назарий томондан асосланмагани изоҳли луғатда этнолексемаларни тўлиқ таснифлаш имконини бермади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, этнографизмларни изоҳли луғатда бериш мураккаб жараён бўлиб, бошқа лексик қатламларга нисбатан чуқур илмий изланишларни талаб қилади. Шу боис, қолаверса, луғат тузилган давр сиёсати сабаб луғатда миллий этнографизмлар жуда кам миқдорда келтирилди ва изоҳланди. Луғатда 60000 (олтмиш минг) сўзлик ва унга тузилган мақола бўлиб, шундан 176 та лексема ва бирикмалар этнографизм ёки этнографик маъно ифодалаши таъкидланган. Бу луғатда берилган умумий лексемаларнинг 0,29 % ини ташкил этади, холос. Кўриниб турибдики, узоқ тарихга эга, ўтмиш қадриятларини ҳурмат қилувчи халқ учун этнолексемалар миқдоран жуда кам ҳисобланади.

«Мустақилликкача бўлган даврдаги ҳукмрон мафкура талабларига кўра миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг мағзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодалайдиган ...қанча сўзларнинг тилимиздаги фаол лексик қатлам таркибига киришига изн берилмаган эди. Шунинг учун уларга илгариги икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981)да жой топилмаган эди» [3. Б. 11].

Мустақилликка эришилгач, фан-техника тараққиёти, ижтимоий, маданий, маънавий қарашларнинг янгиланиши ўлароқ луғат таркибида рўй берган ўзгаришларни акс эттириш тилшунослар олдига янги изоҳли луғат яратиш вазифасини қўйди. Мана шу муносабат билан янги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2006 – 2008) яратилди. Луғат ўзбек тилининг ҳозирги лексик қатламига мансуб 80 000 (саксон минг)дан ортиқ лексема ва бирикмани қамраб олган. Ушбу луғат ўзбек лексикографиясини янги босқичга олиб чиқди. Тилимиз, миллий маданиятимиз билан алоқадор кўплаб тушунчалар киритилди. Икки жилдли изоҳли луғатга нисбатан кўпроқ сўзликни қамраб олди.

Янги луғатда сўзшакллар изоҳланиши лексикографиянинг янги ютуқларига таянган ҳолда акс этган. Уларга мисол тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

а) бир умумий луғавий маънога эга бўлган сўз шаклларидан асосийсини бериш, қолганларини эса маънода муайян силжиш, ўзгариш бўлмаган ҳолларда бермаслик; б) аввалги луғатда «эскирган», «диний» каби белгилар остида берилган (ёки умуман берилмаган) тарихий, этнографик, диний терминларга янгича ёндашув; в) ўзбекча ва умумтуркий лексикадан бошқа (арабча, форсча, байналмилал, русча ва б. тилларга мансуб) сўз ва терминларга мумкин қадар тўлиқ этимологик маълумот бериш кабилар янги луғатнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади [4. Б. 65].

Аммо изоҳли луғатларни солиштириш, қиёслаш шуни кўрсатдики, беш жилдли изоҳли луғатда этнографизмларнинг берилишида жуда катта ўзгаришлар рўй бермаган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқимизга хос этномаданий *чил-чил* [5. Б. 370], *қора киймоқ* [5. Б. 599], *сут ҳақи* [5. Б. 692] каби этнографик тушунчаларни ифодаловчи этнографизмлар икки жилдли изоҳли луғатда умумий сўзликнинг 0,29 % ини ташкил этса, беш жилдли изоҳли луғатда 0,25% ни ташкил этади, яъни янги изоҳли луғатда 200га яқин лексема ва бирикмалар этнографик тушунча ифодалаши таъкидлаб ўтилган. Икки жилдли изоҳли луғатда берилган этнолексемаларнинг аксарияти янги изоҳли луғатда такрорланган. Шундай бўлса-да, ҳар икки изоҳли луғатларгагина хос бўлган, бирида учраса, иккинчисида такроран учрамайдиган этнолексемалар ҳам мавжуд.

Кир [5. Б. 387], *танга-сочиқ* [5. Б. 117], *тутатмоқ* [5. Б. 231], *чачвон* [6. Б. 358] лексема ва бирикмалар икки жилдли изоҳли луғатда учрайди. Беш жилдли изоҳли луғатда эса бу этнографизмлар келтирилмаган. Ушбу лексема ва бирикмаларнинг луғатда этнографизм сифатида берилмаслигини ушбу анъана, урф-одатларни бугунги кунда жуда тор доирада мавжудлиги ёки эскирган (тарихий) лексема дея қаралишида деб изоҳлаш мумкин. Аммо юқорида келтирилган этнолексемалар халқимиз этномаданиятининг ажралмас бир жараёни ва унинг номинатив бирлиги сифатида лексикономизда мавжуд. Бинобарин, изоҳли луғатларда оғзаки, яъни жонли мулоқотда учрайдиган ҳар қандай лексема, қайси лексик қатламга оид бўлишидан қатъи назар ўз аксини топиши лозим.

Беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га ҳам бир қанча этнографик лексема ва бирикмалар киритилган. Албатта, мустақиллик даврида миллий қадриятларга эътибор кучайди, диний, ахлоқий, умуман, этномаданий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ушбу ўзгаришлар қисман бўлса-да луғатда ҳам акс этди. Икки жилдли изоҳли луғатдан фарқли ўлароқ, беш жилдли изоҳли луғатда халқимиз турмуш тарзи, ижтимоий муносабатларида кўп қўлланувчи қуйидаги этнографик жараёнлар номи луғатда акс эттирилди: *бадик* II [1. Б. 135], *даррасолди* [1. Б. 569], *келинкўрди* [6. Б. 346], *об худойи* [7. Б. 77],

сабзитўғрар [7. Б. 410], *тотем* [8. Б. 158], *тотемизм* [9. Б. 158], *унаштириш* [8. Б. 228], *учоқ* [8. Б. 309], *чукбуррон* [8. Б. 515], *юзкўрди* [9. Б. 78], *қизчиқарар* [9. Б. 281] каби.

Ушбу луғатда янги этнографизмларни беришда 4 хил усулдан фойдаланилган:

1) этнолексема бош сўз қилиб сарлавҳага чиқарилган ва алоҳида сўзлик мақоласи тузилган;

2) икки жилдли изоҳли луғатда этнографик маъноси келтирилган бош сўзга унинг полисемантик маъноси сифатида қўшимча таъриф киритилган;

3) икки жилдли изоҳли луғатда диний ёки тарихий лексема экани таъкидланган лексемалар этнографизм деб берилган;

4) изоҳли луғатда изоҳланаётган лексемага тузилган мақоладан кейин келтирилган этнографик бирикма бош сўз сифатида берилган.

Икки жилдли изоҳли луғатда сарлавҳага чиқарилган этнографик лексемалар ва уларга тузилган мақолалар сони 75 та (42,6%) бўлса, янги изоҳли луғатда 95 та (47,5**%)**ни ташкил этади. Бош сўз қилиб келтирилган этнолексемалар асосан содда, жуфт ва қўшиб ёзилган қўшма этнолексемалардир. Содда ясама этнолексемалар жуда камчиликни ташкил этади.

Этнографик лексема полисемантик хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бунда асосий денотатив маъно этнографизм эканини кўрсатиб турадиган (этн.) ҳавола қилувчи белгиси билан берилган. Ушбу маънога алоқадор маъно араб рақами билан келтириб ўтилган: **АЗА:** 1) этн. Аёлларнинг маййит чиққан уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими; 2) маййит чиққан уйдаги мотам жараёни [1. Б. 47].

Изоҳли луғатларда кўп маъноли лексема ва уларнинг семантик тараққиётини ифодалаш луғатчиликнинг мураккаб вазифаларидан бири ҳисобланади. Дастлабки изоҳли луғатда сарлавҳага чиқарилган кўп маъноли лексема маъноларидан бири этнографик маъно англатиши кўплаб учрайди. Луғатда шу йўл билан ифодаланган этнографик маъно 31,8% (56 ўрин)ни ташкил этади. Бунда, асосан, бош сўз англатган маъно (маънолар) дан биттаси ёки бир нечтаси этнографик маъно экани таъкидлаб ўтилган.

Икки жилдли изоҳли луғатда икки ва ундан ортиқ этнографик маъно англатган лексемалар жуда камчиликни ташкил этади.

ЧОДИР: 1) гўшанга, чимилдиқ; 2) аёллар паранжи ўрнида ёпинадиган махсус ёпинчиқ [6. Б. 376].

ОҚЛИҚ: 1) тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки оч, очиқ рангли газлама, рўмол, кийим-кечак; 2) кўмиш маросимига, азага келганларга бўлиб бериладиган рўмолчабоп газлама [5. Б. 559]. Беш жилдли изоҳли луғатда *оқлиқ* лексемасига келтирилган этнографик маъноларга қўшимча «кафан, кафанлик» маъноси [7. Б. 180] ҳам берилган. Беш жилдли изоҳли луғатда умумий этнографик лексемаларнинг 33% и (66 ўрин) полисемантик хусусиятга эга лексемалар англатган этнографик маъно (маънолар) асосида ҳосил қилинган. Ушбу этнографик маъноларнинг юзага келишида метафора, метонимия каби кўчимлар асос бўлган. Шунингдек, ушбу луғатда бош сўз маъноларидан икки ва ундан ортиқ этнографик маъно ифодалаган лексемалар ҳам икки жилдли изоҳли луғатга нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Лексемаларнинг икки ва ундан ортиқ кўп маънолилик ҳосил қилиши усулидан беш жилдли изоҳли луғатда фаол фойдаланилган. **ЙЎҚЛОВ:** 1) Шундай юришда (бориш-келишда) олиб бориладиган нарса (тугун, тоғора ва ш.к.); 2) марҳумларни эслаб айтиладиган (йиғланадиган) аза тўртликлари, шундай йиғи [6. Б. 286]. Шунингдек, *оқ* [7. Б. 176], *тўй* [8. Б. 229], *фотиҳа* [8. Б. 361], *қулоқчўзма* [9. Б. 374] каби лексемалар ҳам икки ва ундан ортиқ этнографик маънога эга экани келтириб ўтилган.

Икки жилдли изоҳли луғатда диний термин сифатида берилган айрим лексемалар янги изоҳли луғатда этнографизм экани таъкидланган. Хусусан, давра – марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросим [5. Б. 204]; **уч** – учига пахта ўраб, ёғлаб, марҳум арвоҳига атаб пайшанба, жума оқшомлари ёқиб қўйиладиган чўп [5. Б. 286] сингари диний тушунча англатувчи лексемалар этнографизм дея таъкидланган. Бироқ бошқа ўринларда ислом дини ёки ундан аввал юзага келган динлардан сақланиб қолган: *жаноза, ифторлик, исқот, мавлуд, маҳр бериш, мотам, намоз, никоҳ, пайғамбар оши, пайшанбалик, питрўза, рўза, таъзия, фитр, қурбонлик, олов айланиш*ва бошқа кўплаб урф-одатлар, анъаналар, ирим-сирим номлари луғатда берилган ва изоҳланган бўлсада, этнографизм сифатида акс эттирилмаган.

Шунингдек, *оққияр* [5. Б. 558] диалект дея изоҳланган бўлса, беш жилдли изоҳли луғат [7. Б. 179] да этнографизм сифатида изоҳланган.

Икки жилдли изоҳли луғатда этнографик тушунча касб этувчи барча тил бирликлари ҳам сўзлик қилиб сарлавҳага чиқарилмаган. Мана шундай ўринлардан бири бош сўзга тузилган луғат мақоласидан кейин шу лексема иштирок этган этнографик бирикмаларни келтириш, уларни қисқача изоҳлаш тамойилидир. Беш томли изоҳли луғатда мазкур луғатга киритилган ва маънолари белгиланиб, изоҳ билан таъминланувчи ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам

луғатнинг сўзлигини ташкил этиши, лекин улар маълум принцип асосида, бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида берилиши [1. Б. 10] таъкидлаб ўтилган. Бунда барқарор бирикмалар билан бирга ажратиб ёзиладиган қўшма (қўшма феъл шаклли) этнолексемалар, сўз бирикмаси ёки гап шаклидаги этнографизмлар ҳам мисол қилиб олинган.

Луғатда этнографик маъно ифодаловчи бирикмаларни изоҳлашда 42 ўрин (луғатда келтирилган этнографизмларнинг 23,8%и)да ушбу усулдан фойдаланилган. Масалан, *мол* ва *қиз* лексемаларига тузилган сўзлик мақолаларидан кейин шу лексемалар иштирок этган *мол ёяр* ва *мол йиғар* [5. Б. 470]**;** *қиз оши* ва *қиз кўрар* [5. Б. 570] бирикмалари этнографизм сифатида берилган. Беш жилдли «ЎТИЛ»да *мол ёяр, мол йиғар, қиз оши, қиз кўрар* бирикмалари янги лотин алифбосига асосланган имло қоидасига мувофиқ қўшиб ёзилган ва изоҳли луғатда бош сўз сифатида сарлавҳага чиқарилган, луғат мақоласи тузилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, изоҳли луғатларда юқорида келтирилган этнографик тушунча англатувчи бирикмалар билан бир хил қолипда бўлган *йил оши* [6. Б. 267], *маслаҳат оши* [6. Б. 551], *оғиз боғлар* [7. Б. 186], *юз кўрар* [9. Б. 76] каби бирикмали этнографизмлар ажратиб ёзилган. Кўринадики, этнографик бирикмаларни бош сўз сифатида сарлавҳада чиқаришда ҳам қатъий принципга амал қилинмайди. Хусусан, этнолексемаларнинг имловий жиҳатдан барқарор эмаслиги, соҳага доир лексик қатлам тадқиқи талаб даражасида ишланмагани бу борадаги муаммоларни янада чигаллаштиради. Бу этнографик тушунча ифодаловчи бир хил шаклли (грамматик, морфологик, синтактик) бирикмаларни изоҳли луғатларда беришда ҳам ҳар хилликни келтириб чиқармоқда.

Шунга қарамасдан беш жилдли изоҳли луғатда изоҳланаётган лексема иштирок этган бирикмали этнографизмларни беришда тежамкорликка эришилган, яъни луғатда келтирилган умумий этнолексемаларнинг 17,5% и (35 ўринда) бирикмали этнографизмлар саналади. Бунга янги ишлаб чиқилган имло қоидаларининг таъсири ҳам мавжуд. Юқорида таъкидлаганимиздек, айрим бирикмаларнинг қўшиб ёзилиши уларнинг структур тузилишига таъсир ўтказди. Ушбу бирикмаларни изоҳли луғатда сарлавҳада бош сўз қилиб ифодалаш имконини берди. Бироқ эркин синтактик муносабатга эга (сўз бирикмаси ва гап шаклидаги) бирикмаларни изоҳли луғатда бериш борасида чуқур изланишлар олиб бориш лозим. Шунингдек, ҳар икки изоҳли луғатда бирикмали этнографизмларни беришда бир хил хатоликларни кузатиш мумкин. Яъни бирикма таркибидаги мустақил маънога эга сўзларнинг ҳар иккисига тузилган луғат мақоласида бир хил этнографик бирикма келтирилган ва изоҳланган. Беш жилдли изоҳли луғатнинг «Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш» қисмида этнографик бирикмалар ва уларнинг структур жиҳатдан луғатда берилиши ҳақида маълумот берилмаган. Турғун иборалар ҳақида фикр юритилар экан, шу ибора таркибида албатта қатнашадиган (мажбурий компоненти бўлган), шу иборанинг шаклланишида асосий сўз ҳисобланувчи сўзга тузилган луғат мақоласида берилиши [1. Б. 13] таъкидланган. Аммо изоҳли луғатда этнографик бирикма шу бирикма таркибидаги ҳар бир компонентни изоҳлашда такрор учрайди ва изоҳланади. Масалан, *қаллиқ ўйнамоқ* этнографизми *қаллиқ* [9. Б. 228] ва *ўйнамоқ* [9. Б. 114] лексемаларига тузилган луғат мақоласи ичида келтирилган.

Филология фанлари доктори А.Омонтурдиев эвфемизм ҳақида фикр юрита туриб, эвфемизмлар этнографик категория [10. Б. 6] эканини таъкидлайди. Ушбу фикрнинг исботи ўлароқ икки жилдли изоҳли луғатда *ота, она* (*отаси, онаси* шаклида) лексемалари эвфемик этнографизм сифатида берилган. *Ота* ва *она* лексемалари халқимиз нутқида эр-хотинлар муносабатида, оилада фаол қўлланади. Бу ҳолат беш жилдли изоҳли луғатда ҳам таъкидлаб ўтилган. Этнограф олим А.Жўрабоев туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг тарихий тараққиёти жараёнида никоҳнинг турли шакллари юзага келгани, бунинг натижасида кишиларнинг ўзаро бир-бирига бўлган яқинлик муносабатини ифодаловчи *қуда, қайнана, қайната, куёв, келин, хотин, эр, янга, божа, почча, овсин, қайнаға, қайнини, қайнсингил* [11. Б. 44] каби этнографик атамаларнинг келиб чиққанини таъкидлайди. Аниқлашадики, жонли мулоқот нутқида учрайдиган қариндошлик ифодаловчи лексемалар этнографизм ҳисобланади. Шунга қарамай, ҳар икки изоҳли луғатда қариндошликни ифодаловчи лексемалар этнолексема сифатида изоҳланмаган.

Икки жилдли изоҳли луғатда келтирилган бир гуруҳ лексемалар ҳам янгиланган изоҳли луғатда этнографизм экани таъкидланган. Масалан, *гул* [5. Б. 470], *дарвешона* [5. Б. 209], *исириқ* [5. Б. 335], *кестирмоқ* [5. Б. 382], *нон* [5. Б. 510], *ош* [5. Б. 554], *садр* [5. Б.10], *таванхона* [5. Б.104], *туф* [5. Б.235], *учунмоқ* [5. Б.288], *ушатмоқ* [5. Б.288], *чақириқ* [5. Б. 359], *қирқ* [5. Б.583] каби лексемалар луғатда мавжуд бўлса-да, этнографизм сифатида берилмаган. Беш жилдли изоҳли луғатда ушбу лексемалар этнографик лексик қатламга мансублиги таъкидланади.

Икки жилдли изоҳли луғат ўзбек тили умумий лексикасини жамлаш, луғатлаштириш ва изоҳлаш йўлидаги дастлабки илмий изланиш бўлгани сабабли маълум камчиликлардан холи эмас. Ай-

ниқса, бу этнолексемаларга берилган изоҳларда янада аниқроқ намоён бўлади.

Дастлабки изоҳли луғатда *амал, илм-амал, иситма, иситма-совутма, иссиқ-совуқ* каби этнографизм лексемалар берилган. Ушбу лексемаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида изоҳланган бўлиб, мазмунан бир хил диний-ирфоний жараённи англатади. Уларга берилган изоҳларга эътибор қаратайлик: **амал** – иситиш, совутиш, бировнинг ишини орқага кеткизиш, турган уйидан бездириш ва ш.к. мақсадларда дам солинган, сеҳр қилинган нарса [5. Б.43]; **илм-амал** – кишини бировдан «совутиш» ёки бировга «иситиш» қилинадиган амал [5. Б.323]; **иситма** – кишининг дилини ўзига ёки бошқага мойил этиш мақсадида қилинган амал [5. Б.335]; **иситма-совутма** – кишининг дилини ўзига ёки бирор кимсага мойил қилиш ёки ундан «совутиш» мақсадида қилинган амал [5. Б.335]; **иссиқ-совуқ** – кишини гўё бирор кимсага «иситадиган» ёки ундан «совутадиган» амал, дуо ва ш.к. нарсалар [5. Б. 337]. Берилган таърифлардан маълумки, ушбу этнографизмлар жараённинг мазмун-моҳияти ва мақсади нуқтаи назаридан бир хил этнографик ҳодисанинг турли шаклдаги синоним номлари ҳисобланади. Шу боис ҳам уларга келтирилган изоҳлар бир-бирига жуда ўхшаш ва ҳаттоки бир хил десак ҳам бўлади.

Шунингдек, икки жилдли изоҳли луғатда *биринчи* (биринчи хотин) ва *катта* (катта хотин) лексемаларининг луғат мақоласи таркибида келтирилган этнографик бирикмалар ҳам мазмунан бир хил этнографик тушунчани ифодалайди: *биринчи хотин* – кўп хотинли кишининг энг катта хотини, бош хотини [5. Б.119]; *катта хотин* – биринчи, бош хотин [5. Б.372]. Бунда: 1) мазмунан бир хил изоҳлар такрорланган; 2) бош сўзни изоҳлашда ҳавола қилиш, бошқа бир сўзнинг маъносига ишора қилиш орқали ортиқча таърифлардан қутилиш тамойилидан унумли фойдаланилмаган. Табиийки, ушбу лексемалардан биттасига изоҳ бериш ва қолган сўзликларни шу изоҳланган лексема маъносига ҳавола қилиш ҳам мумкин эди. Бироқ бу ҳолат беш жилдли изоҳли луғатда ҳам такрорланган, яъни ушбу этнолексемаларнинг ҳар бири шу ҳолдаги изоҳлар билан такрор берилган.

Икки жилдли изоҳли луғатда *мунчоқ* этнолексемасига «шиша, тош ва ш.к. нарсалардан ясаладиган, асосан зийнат учун ипга тизиб бўйинга тақиладиган думалоқ ёки бошқа шаклдаги доналар» дея изоҳ берилган [5. Б. 481]. Ушбу лексемага тузилган сўзлик мақоласидан кейин *кўз мунчоқ* бирикмаси (қўшиб ёзилган шакли ҳам) келтирилган. Бирикма этнографизм экани таъкидланиб, «ёмон кўз»дан асраш учун кўзга яқин болаларга тақиладиган оқ холли қора мунчоқ деган маънога эга изоҳ билан таъминланган. Изоҳли луғатда *кўзмунчоқ* лексемаси [5. Б. 412] қўшиб ёзилган шаклда бош сўз сифатида сарлавҳага чиқарилган. Ушбу лексема маъноси *мунчоқ* лексемаси маъносига ҳавола (айн. қисқартмаси билан) қилинган. Бош сўзларга берилган таърифларга эътибор қилсак, *кўзмунчоқ* лексемаси семантик жиҳатдан мунчоқ лексемасига эмас, балки *кўз мунчоқ* бирикмаси англатган маъно билан тенглик ҳосил қилади. *Мунчоқ* ва *кўзмунчоқ* лексемалари қўлланилиш ва мақсадига кўра бир-биридан фарқланади. Шундай экан, бош сўз сифатида сарлавҳага чиқарилган ҳар иккала лексема изоҳланиши, *кўзмунчоқ* лексемаси эса этнографизм экани таъкидланиши лозим. Шунда *кўз мунчоқ* бирикмасига изоҳ бериш зарурати қолмайди. Демак, изоҳли луғатларда таърифлар, изоҳларгина эмас, балки бир хил лексемалар такрори ҳам мавжуд.

Икки жилдли изоҳли луғатда *бўйинтумор* ва *тумор* лексемалари этнографик маъно ифодалаши таъкидланган ва қуйидагича изоҳланган: *бўйинтумор* – ичига хурофий мазмундаги дуо ёзиб солинган тумор [5. Б. 159]; *тумор* – хотин-қизларнинг кийим устидан бўйинга осиладиган ёки елкага осиб қўлтиққа тушириб юриладиган безаги [5. Б. 222]. Ушбу лексемаларга берилган этнографик изоҳлар маълум ноаниқликларга эга. *Тумор* лексемаси «хурофий мазмундаги дуо ёзиб солинган» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, қўлланиш, фойдаланиш ўрни аниқ ифодаланмаган. *Бўйинтумор* лексемаси *тумор* лексемасига нисбатан аниқроқ маънога эга, яъни турли бало-қазолардан (кўз, суқ каби) сақланиш мақсадида кўзга яқин бўлган (фарзандлар, полвонлар ва ш.к.) инсонлар жийда, туғдона (махсус дарахт)дан тайёрланган ёки махсус дуо ёзиб солинган, айнан бўйинга, бўйин ва қўлтиқ остига ўтказиб тақиладиган «тақинчоқ» саналади. Икки жилдли изоҳли луғатда *бўйинтумор* ва *тумор* лексемасига берилган изоҳлар беш жилдли изоҳли луғатда айнан такрорланган. Демоқчимизки, изоҳли луғатларда айрим этнолексемаларга берилган изоҳларни иллюстратив мисоллардан келиб чиқиб эмас, балки халқнинг реал этномаданий ҳаёти, ушбу энтографизмларнинг мазмун-моҳияти, мақсади, қўлланиш ўрни ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб изоҳлаш талаб қилинади.

Ўзбек тили изоҳли луғатларидаги этнографизмларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, тилимизда мавжуд этнографик лексик қатламнинг лексикографик тадқиқи талаб даражасида эмас. Халқимизнинг анъанавий турмуш тарзи, миллий қадриятлари, урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи, тилимизнинг асл фонетик, семантик, грамматик хусусиятларини ўзида кўрсатиб турувчи этнографик бирликлар, асосан, чекка ҳудудларда ёки маълум ижтимоий гуруҳлар (кексалар, айрим

касб эгалари) нутқида сақланиб қолмоқда. Уларни луғатлаштириш тилимизнинг бой маънавий лексик меросини сақлаб қолиш билан бир қаторда этнолексемаларни семантик, структур, имловий, грамматик жиҳатдан янада батафсил ўрганиш учун манба бўла олади.Бу эса тилимизни агглютинатив тил сифатидаги асл қонуниятини қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғат /А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 1-жилд. А-Д. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б.

2. *Қўзиев У.* Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар. Филол.фан. бўйича фалсафа. доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона: 2018. – 43 б.

3. *Маҳмудов Н.* Ўзбек тили луғат бойлигининг ривожидаги жараёнлар // «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари». Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2019. – Б. 4 – 15.

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси /М.Аминов, Б.Аҳмедов ва б. таҳрири остида. XII жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000 – 2006. – 1241 б.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати /З.М.Маъруфов таҳрири остида. Икки томли. – Москва: Рус тили,1981. Т.1. А-Р. – 632 б.; Т.2. С-Х. – 717 б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 2-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671 б.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 687 б.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 606 б.

9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.– 591 б.

10. *Омонтурдиев А.* Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида). Филол. фан. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 49 б.

11. *Жўрабоев А.* Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар (Андижон шевалари материаллари асосида) Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1971. – 212 б.

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE PRESENTATION OF ETHNOLEXEMES IN GENERAL DICTIONARIES OF THE UZBEK LANGUAGE

N. R. Amonturdiev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49) 138 – 144.

[1]Termez State University, Termez,190100, str. Barkamol avlod, 43 (Uzbekistan). E-mail: Termizdu@umail.uz

Keywords: *ethnographic lexical layer, carrot, ethnographic meaning, euphemistic ethnographers, facial expressions, ethnographic combination.*

The article provides a comparative analysis of the presentation of ethnolexemes belonging to our national culture in the explanatory dictionaries of the Uzbek language. Ethnolexemes specific to two- and five-volume annotated dictionaries are compared as ethnographic combinations that appear in the title as the headline in the dictionary and are given after the dictionary article. The article uses the methods of comparison, contrast, classification, description, semantic-structural analysis. Ethnographies are distinguished from general lexemes given as dictionaries in annotated dictionaries, and the extent to which they are expressed in dictionaries is explained.

In their two-and five-volume annotated dictionaries, their structural aspect is also considered important in the presentation of ethnographies. The occurrence of ethnographies in structurally simple, compound, and combination forms, what percentage of the total ethnographies given in the dictionary are in simple form, whether published in the title or fully analyzed on the basis of compound examples. The same situation was compared and analyzed with a five-volume annotated dictionary. The shortcomings in the presentation of ethnographies in the annotated dictionaries, the changes observed in the new five-volume annotated dictionary, and the news were also discussed. The five-volume an-

notated dictionary uses 4 different methods to present new ethnographies:

1) The ethnolexeme is the headline and a separate dictionary article is compiled;

2) The ethnographic meaning in the two-volume annotated dictionary includes an additional definition as its polysemantic meaning;

3) In a two-volume annotated dictionary, lexemes that are said to be religious or historical lexemes are referred to as ethnography;

4) The ethnographic compound given after the article on the lexeme being interpreted in the annotated dictionary is given as the keyword.

It was also noted that the strict principle was not followed in the publication of ethnographic combinations as headlines. This ethnographic concept also leads to differences in the presentation of the same form (grammatical, morphological, syntactic) compounds in explanatory dictionaries.

The article partially analyzes the etymology of ethnographic units, their interpretations, methods used in interpreting ethnolexemes and some of their shortcomings, illustrative examples in comparison with the new explanatory dictionary. In conclusion, it can be said that the lexicographic study of the ethnographic lexical layer existing in our language is not at the required level. Therefore, it is emphasized that one of the important tasks of lexicography is to expand the study of ethnography, the creation of regional (ethnographic dialectisms) and general ethnographic dictionaries of the Uzbek language, effectively using the achievements in the field of lexicography.

References:

1. Madvaliev, A.(ed.) (2006) O‘zbek tilining izohlilug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes.1-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

2. Qo‘ziev, U. (2018) O‘zbek tilidagi izohli lug‘atlarda o‘zlashma so‘zlar [Adverbs in Uzbek dictionaries]. Abstract of the dissertation for the degree doctor of Philosophy (PhD) in philological sciences. Ferghana.

3. Mahmudov, N. (2019) O‘zbek tili lug‘at boyligining rivojidagi jarayonlar [Processes in the development of the vocabulary of the Uzbek language]. O‘zbek tilshunosligining dolzarb masalalari’ [‘Current issues of Uzbek linguistics’]. Respublika ilmiy-nazariy konfrensiyasi materiallari [Proceedings of the Republican scientific-theoretical conference]. Tashkent. Pp.4-15.

4. Aminov, M., Ahmedov, B. (ed.) (2000-2006) O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi [National Encyclopedia of Uzbekistan]. In 12 volumes.1-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

5. Ma’rufov,Z.M. (ed.) (1981) O‘zbek tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 2 volumes. Moscow: Russkij yazyk.

6. Madvaliev, A. (ed.) (2006) O‘zbek tilining izohlilug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 2-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

7. Madvaliev, A. (ed.) (2006) O‘zbek tilining izohlilug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 3-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

8. Madvaliev, A. (ed.) (2008) O‘zbek tilining izohlilug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 4-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

9. Madvaliev, A. (ed.) (2008) O‘zbek tilining izohlilug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 5-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

10. Omonturdiev, A. (2009) Professional nutq evfemikasi (chorvadorlar nutqi misolida) [Professional speech euphemism (on the example of cattle breeders’ speech)]. Abstract of dissertation for the degree of doctor of philological sciences.Tashkent.

11. Jo‘raboev, A. (1971) O‘zbek tilidagi to‘y marosimlari bilan bog‘liq atamalar (Andijon shevalari materiallari asosida) [Terms related to wedding ceremonies in Uzbek (based on the materials of Andijan dialects) elephant]. Dissertation for getting the degree of candidate of philologicalsciences. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АМОНТУРДИЕВ Нурали Рашидович – Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, стажёр-тадқиқотчи. E-mail: nuraliomonturdiyev@gmail.com